



КОЗОКЧАДАН
ТАРЖИМА

ЎЗДАВНАШР · 1945 · ТОШКЕНТ



ИБРОХИМ ҚУНАНБОЙ ЎҒЛИ А Б А Й

Қардош қозоқ халқининг улуг шонри ва қозоқ адабиётининг отаси, ўз даврининг каттакон мутафаккири — Иброҳим Қунанбой ўғли Абай, 1845 йили 10 августда Семей вилоятида, Чингизтоғ этакларида, Тұ-ниқли яйловида дүн'ёга келди.

Абайнинг отаси Қунанбой қаттол, ўз сўзли, ўжар саҳро ҳокими эди. Абайнинг ёшлиқ йиллари мушкул ғилявий жанжаллар ичида ўтди. Чунки Қунанбойнинг түрт хөгини бўлиб, бу оиласда ғавғо тез-тез бўлно ту-рар ҳам Абайга қаттиқ та'сир қиласа эди. Аммо Абай-нинг онаси Үғилжон ўз ўғлининг зийраклигини тез лайқаб олди ва унга алоҳида меҳр қўйиб, бошқа бола-ларидан яхшироқ кўриб тарбиялайбошлади.

Абай, саккиз ёшида саводли бўлди ва Семей имоми Аҳмад Ризо мадрасасига шогирд бўлиб кетди. Бу мадрасада беш йил ўқиб, Абай, куп малумотга эга бўлди. У, мадрасада араб, форс ва турк адабиёти блан яқиндан ошно бўлди ва ўша замонининг тартиб ва қон-даларини бузиб, рус тилини ўқийбошлади. Ўзининг зийраклиги, интилиши соясида рус классик адабиётини ҳам ўрганиб олди ҳам ўзи ше'р ёзабошлади. Лекин, кўп ўтмай отаси уни овулига олиб кетди. Қунанбой ўғлинин ўзига ёрдамчи сифатида ма'мурӣ ишга солди.

*

Абай ўз отасига ёрдамчи сифатида ишлар экан, му-тодаасини давом этдиради. У, Фирдавси, Са'дий, Фузу-лий, Навоний, Низомий асарларини ўқиб, ишлаб чиқди

ва ўз элатидаги ҳалқ оқинлари блан танишиб, тез-тез адабий сұхбатлар қуратурған бўлиб қолди. У вақтда шоирлик зинг тубан ҳунар саналар эди ва оқинларни тиланчи — маддоҳ ҳисоблашар эди. Уруғ бошлиқлари — бийлар: „Худога шукур, бизнинг уруғдан оқин чиққани йўқ“ деб тўйларда, ўтиришларда маҳтанияр эди. Абайнинг номи чиқиб, қадри ортиб, унинг атрофига садро ёшлари тўпланиб борган сари, қора кучлар унга тиш қайрайбошлади. Ҳатто уни ўлдирмоқчи ҳам бўлдилар. 1870 йили уни туҳмат блан қоралаб, подшо ҳукумата тига қарши ўланлар ёзади, деб чақимчилик блан жавобгар қилдилар ҳам. Шу кундан бошлаб Абай Семей вилоятининг ҳокими та'киби остида қолди.

1880 йиллари Абай Семей вилоятига сургуга этилган Россия сиёсий арబблари блан танишди. Булар Гросс, Михаельс, Долгополов ва бошқалар бўлиб, Абайнинг тараққийпарвар, ма'рифатпарвар бўлишига йўл очган устозлардир. Айниқса, Михаельс улкан олим, замонининг илғор одами эди. Абай умр бўйи бу дўстӣ ва муаллимидан миннатдор бўлгандир; чунки у, Михаельс орқали Пушкин, Лермонтов, Искрасов, Белинский, Добролюбов, Крилов, Толстой, Тургенев, Достаеникий ва бошқа классиклар блан яқиндан танишаолди. Қадим замон файласуфлари Суқрот, Афлотун, Арасту асарлари блан ошно бўлди. Бу ҳақда, ўша вақтда Семей вилоятида турғэн Америкали сайд — журналист Джорж Кенкан бундай деб ёзи: „Мен бу ерда — кутубхонада қозоқнинг бир билимдони — Иброҳим Қўнанбой ўғли дегани биламан. У китобни жуда яхши кўради, у жуда малумотли киши. Ишонасизми, менинг блан учрашганда, индукция блан дидукциянинг фарқини сўраб қолди. Мен ҳайрон бўлдим. Мен унинг фалсафий сұхбатларидан ҳайрон қолдим“.

Абай 40 ёшга кирганда, ўз ўланларни тагига ўз имзосини кўйиб, бостирабошлади. Айниқса, бу вақтда Пушкиндан, Лермонтовдан қилган таржималари қозоқ ҳалқи ичига таралиб кетди.

*

Абай яшатган замонда қозоқ ҳалқи қашшоқлик ва қуллик занжирида инграр эди. Бир томондан чоризм, иккинчи томондан ўз бийлари — бўлислари ҳалқни таламоқда, ҳалқ қонини сўрмоқда эди. Уруғлар ўртасида тез-тез қон тўкишлар, бийлик талашлари, нодонлик

Абайни ба'зан умидсизликка солар эди. Мутафаккир
шоирни ва шоир юраги блан Абай ўз халқининг бошига
шундай шган фалокатларни кўрар, тушунар ва ўз ўланларида
халқига муаллим сифатида куйиб ёзар эди.

Абай ўланлари кўлдан-кўлга кўчнб, узоқ овул-
ларда ўқиладиган бўлди. Йигитлар ўз севгандарига
хат ёзганда Абай ўланларини кўшиб юборадиган бўлди.
Қизлар келин бўлиб, узоқ яйловларга кетар чоғда, ўз
сепига қўшиб. Абай ўланларини олиб кетадирган бўлди.
Шундай қилиб Абай ўз халқининг янг севимли, уну-
тилмас оқини бўлиб қолди.

Абай ўланларининг фикри кенг, ма'носи теран, шак-
ли чиройликдир, чунки у,— 40 ёшига қадар узликсиз
ўқиб, қозоқнинг бой фольклоридан, шарқ классик ада-
биётидан, рус ва Европа лассикларидан ўрганиб ёэди.
Абай ўз халқини ёруғлика, мәҳнатга унданган ва қозоқ
адабиётига всос солган, қозоқ тилининг соғлиги учун
курашган улуғ шоир. Унинг илмга ундан ёзган ўданла-
ри ҳамон яшамоқда.

Абай 60 ёшга ккирганда дун'ёдан ўтди. У ўз ум-
рида беҳисоб ўлан ёэди. У қозоқ халқининг оҳ-зор-
ларини, интилишларини куйлашдан толган эмас. Замон-
лар ўтажак. Абайнинг хизмати, ижоди ўз халқи тари-
хидаги мағрур қоя сингари қолажак ва стилинча дўстлик
блан жиплашган қардош халқлар ўртасида севилиб ўқи-
лажак.



* * *

Гұдак учун бешіги—кеттакон олам,
Онасининг оқ күксі—жонажон олам;
Кенг саҳро ұам тор келар—улғайғанда,
Ұтовидай күринар белоён олам.

1880.

* * *

Ёшликда билмим излаб югурмадим;
Хайрин билдим, броқ, юз ўгирмадим.
Улғайганда — қарасам қўлим қуриқ,
Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.

Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор?
Изласам бўлармидим мунчалик хор?
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,
Фарзандимни билимга қўймадим зор...

Мадрасага бердим мен адаб учун,
Билим учун, наинки мансаб учун!
Ўзим ҳам юксакларга қанот қоқдим.
Айб бўлмас орзу учун — талаб учун...

Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим?
Қозоққа ширин-ширин ұлан айтдим;
Ўланда ҳечким менга teng келмади,
Лекин, қадрим тополмай, йиғлайман жим...

1885.

* * *

Илм топмай махтанма
Үрин топмай бопланма,
Хуморланиб шодланма,
Үйнаб бекор кулишга!
Беш нарсадан қочиқ бўл!
Беш нарсага ошиқ бўл!
Одам бўламан десангиз.
Тилагинг, умринг олдингда,
Унга қайғу есангиз.
Ёлғон-яшиқ, махтанчоқ,
Эринчак, бекор мол чочмоқ,
Беш душманинг билсангиз!
Талаб, меҳнат, теран ўй,
Қаноат, раҳм, ўйлаб қўй.
Беш асл иш-кўнсангиз.
Ёмонлик кўрсанг нафратли,
Совутиб кўнгил тийсангиз.
Яхшилик кўрсанг ибратли
Уни ўйга йиғсангиз.
Олим бўлмайин нима?
Болаликни қийсангиз.
Бўлмасанг ҳам ўхшаб боқ,
Бир олимни кўрсангиз.
„Ундаи бўлмоқ қайдадеб.

Айтма илм сўйсангиз.
Сизга илм ким берар
Ёнмай ётиб сўнсангиз.
Дун'ё ҳам, мол ҳам у ўзи,
Илмга кўнгил берсангиз.
Билғанларнинг сўзига,
Муҳаббатла кирсангиз.
Ақл қайтмай, қайтмангиз
Бир ишга кўнгил берсангиз.
„Оқсоқол айтди, бой айтди“
„Ким бўлса, майли шу айтди“.
Ақл блан енгсангиз,
Нодонларга сўз бермай
Чин сўз блан ўлсангиз.
Оят-ҳадис эмас-ку,
Кофир бўлдинг демас-ку,
Қанча қарши келсангиз.
Кўп олдида сир айтма,
Бизнинг сўзга кирсангиз.
Буни ёзган кишини
Отин билма, сўзин бил!
Шу вафосиз дун'ёдан
Чечан ҳам ўтган не булбул,
Устоз ҳам ўтган не дулдул,
Сўз ма'носин билсангиз.
Ақл-мезон ўлчов қил.
Агар қийшиқ кўринса
Майлинг ташла, майлинг кул!
Агар тўғри кўринса,
Ўйлагину қулоққа ил!
Аҳмоқ кўп, ақлсиз оз,
Дема кўпнинг сўзи бул.
Яқиннинг сўзи ширин деб
Яқиним айтди деб кўрмай!
Нодонликла ким айтса,
Ундаи бўш сўзга кирмай!

Сизга айтдим хавфим шул,
Үзинг учун ўргансанг,
Ёмонликдан жиркансанг,
Очиларсан йилма-йил,
Бирор учун Ӯргансанг,
Бирор билмас, сен билсанг,
Билганларингдир бир пул.
Сўзига қараб киши ол.
Кишиига қараб сўз олма.
Чин сўз қайси билолмай,
Ҳар ишдан қуруқ қолма!
Сўзин уқиб хўп ўйла,
Тез ўрганиб тез жўйма.
Ез вақтида кўнгил гул.

1886

* * *

Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим!
Қоронғуда йўл топмай, хайрон юртим!
Ёмон блан яхшини фарқ қилолмай,
Оғзида ҳам қон, ҳам мой сарсон юртим!

Қарасам, ажаб товур юзинг сенинг,
Нечун ахир, алдамчи сўзинг сенинг?
Доноларнинг ҳикмати писанд эмас,
Фофил қолган, адашган ўзинг сенинг!

Тунда уйқунг бузилар, кундуз — кулкинг,
Дардингга эм бўлмади молинг — мулкинг!
Очкўзсан, тама'корсан, қурмсоқсан,
Бор савлатинг бошингга кийган тулкинг...

Бий бўлди қийқим бойлар бош-бошига,
Доғ солди, заҳар солди юрт ошига,
Қўрқаман, асоси йўқ кўр сингари,
Элим унар бузуқлар алдашига!..

Оталарга ўхшамай қолди турқинг,
Ёпирай, мунча кетди, элим, хулқи-г!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузулди фе'л,
Қани йиғган давлатинг, боққаң йилқинг?

Элат блан элат ёв бийлик учун,
Оға блан ини ёв сийлик учун,
Қозоғим, ўз-ўзингни ўнгламасанг,
Бадбаҳт кунга қолмасми тақдир бутун?

Мен нетай, ахир кимга умид боғлай?
Қўрқоқ қуллар юртида не баҳт чоғлай?
Бир йўлчи топилмасми сарсон элга,
Мен издай, мен ахтарай, мен сўроқлай...

1886.

БУРКУТЧИ

Кор ёққанда буркутчи чиқар овга,
Тошдан тулки топилар пойлаганга.
Яхши от тотув йўлдош бир ғанимат
Яхшидир ихчам кийим овчи одамга.

Бирданига йўлиқса тулки изи
Ахтариб овчи ҳар'ён кўз солганда,
Буркутчи тоғ бошида, қўлда буркут
Кетган изни синчиклаб пайқаганда.

Тумагини буркутчи бошдан олар,
Кирон қуш кўзи кўриб интилганда.
Паст учсан тулки ўрлар, қутилар деб,
Учади кўз ўйнатиб тик осмонга.

Қўриб, тўхтаб қолади қочган тулки
Қутилмасин билганчун бўш қочганга,
Оғзин очиб қақақлаб, тишин қайраб,
У ҳам кураш қилади чивин жонга.

Қизиқар шунда овчи, завққа тўлиб,
От қўяр қарамай ҳеч йиқилганга.
Қирқ пичоқла ғижиниб турган тулки,
У ҳам ўнғай ёв эмас, зўр қиронга.

Саккиз найза қўлида кўз олмасдан
Ботир ҳам ташланади у қурбонга.
Қанот, думи шувуллаб ишқиради,
Кўкдан қирон яшиндай қуйилганда.

Ярқ-юрқ этиб иккови олишади,
Якка ботир чиққандай жанг-майдонга,
Бири ҳаво, бири ер ёввойиси
Одам учун ботишар қизил қонга.

Қор—оппоқ, буркут—қора, тулки—қизил
Ўхшайди гўзал сувда чўмилганга.
Қора сочин кўтариб икки бармоқ,
У ҳам билқ·билқ этмасми сийпаганда.

Оппоқ эт, қип·қизил бет яп-яланғоч,
Қора соч қизил юзни яширганда.
Қўёви эр, қайлиғи гўзал бўлиб,
Яна ўхшар тор тўшакда ётишганга.

Яғрини орқасидан билқиллайди,
Қирон буклаб остига дал босганда.
Қуши ҳам эгасига хўро зланар,
Олтмиш икки ҳилали сайд олганда.

Овчининг чеҳрасига шодлик чиқар,
Тулкини қанжигага бойлаганда.
Силкиб кийиб тумагни, ҳам насвойни
Бир отасан дилга шодлик жойланганда.

Тоғдан жийда тергандай ола берса,
Бир яшайсан хуморинг ҳар қонганда.
Кўнгилда йўқ ҳеч қандай ёмон ният,
Ов бўлади кенгашинг, қуш солганда.

Ҳечкимга зиёни йўқ ўзим кўрган,
Хўб қизиқ иш экан бу шум дун’ёда
Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга
Бари аниқ кўринар ўйлаганда.

Уқмассан устин қараб ўта берсанг,
Суратин кўралмассан кўп боқмасанг.
Кўланкаси тушади тез кўнглингга
Ҳар сўзни бир ўйланиб салмоқласанг.

Иигитлар бу сўзни ҳеч ма’носини,
Билолмассан қуш солиб завқ олмасанг.

1885.

* * *

Қарилик, ғамга ботдик, уйқи сергак.
Аччиғинг худди заҳар, ўйинг қўлмак.
Дардлашишга киши йўқ сўз уқарлик,
Ким кўнгилни кўтариб бўлар эрмак.

Ёш—қарир, йўқ—туғилар, тўғилган—ўлар,
Тақдир йўқ, ўтган умр қайтиб келмас;
Босган из, кўрган қизиқ қола берар
Бир худодан бошқанинг бари ўзгарар.

Мард иши ақлга кирмас бўйни енгар,
Хунарсизнинг қилифи чала кўрап.
Чин ўйламай берилиб бир иш қилмай,
Эринчак оқибатда кўпга кўнар.

Ёмонлар қилолмайди ҳалол эмгак,
Фарлик, ўғирлик қилиб кулар тоза,
Харом ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,
Минг кун синмас, бир куни синар кўза.

Одамзод тирикликни давлат билсин.
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.
Икковининг бири йўқ овул кезиб,
Хўр бўлиб, бекорга кун ўтказмасин.

Нодонлар бўш сўзларга қулоқ солар,
Чин сўзнинг пойдасидан четда қолар.
Рост сўзнинг ҳеч билмайди хосиятин,
Чинни қўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.

Ақллик, қора қилни қирқقا бўлар,
Ҳар нарсага ўзидаи баҳо берар.
Нодон киши ҳеч нарса билмай туриб,
Махтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар.

Халққа ичидан ёв, сиртдан кулар,
Тиригида дустин сўкиб, ўлса йиғлар.
Бир-икки йўли бўлган киши кўрса,
Худо севиб яратган ушбу деяр.

Эл бузилса топади, шайтон ўрнак,
Фаришта пастга тушиб қайғи емак,
Ўзимнинг итлигимдан бўлди демай,
Енгдику, деб шайтонга қилас кўмак.

Қўлдан кела берарми юрт бошқармоқ,
Ҳалоллик, харомликни ким тенг кўрар?
Шуҳрат учун ғайратсиз бўлис бўлмоқ,
Итдай бўлиб ўзига сўз келтирас.

1886.

“

19

ЎЛАН

Ўлан — сўзининг пошшоси, сўз сараси,
Худди баланд тоғларнинг шаршараси.
Тошиб келар, ялтираб — оқиб келар,
Кўнгилга ором берар, ҳар нафаси...

Сараланмай булғанса сўз ораси,
Бу — оқиннинг билимсиз — бечораси.
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўли нодон,
Сўз танимас бул юртнинг бир пораси.

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,
Шираси ҳам ма'носи ғоят бўлур.
Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган;
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур...

Ўландай хутба ўқир кекса мулло,
Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло¹,
Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,
Ўлан блан ёзилган калимулло.²

¹ Валиюлло — оллонинг валиси.

² Калимулло — оллонинг сўзи, китоби, қур'он.

Ўланга ишқамиз бор қадим чоқдин,
Лекин, қандай наф' бўлар махтанмоқдин!
Ичи зар, сирти кумуш сўз яххисин –
Келишириар ким ҳам бор мўл қозоқдин?..

Сўзни чертиб сўзласанг ҳарким сийлар,
Мақол қўшиб сўзларкан кекса бийлар.
Оқинлари беақт, нодон экан,
Бекор сўзни теридаи нуқул ийлар.

Қўлида ҳам қўбизи ҳам дўмбра,
Ҳаммага махтов ўқир, қўймас сра.
Ўлан айтиб хайр тилар элни кезиб,
Сўз қадрин ерга урар, бўлиб хра.

Мол учун сўзни безар, виждон сотар,
Мол учун бўйин эгар, молдай ётар.
Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,
Э худо, шу оқинлар қачон қотар?

Бойларни махтай бериб сўз қолмапти,
Ўлан айтиб, мол йигиб, бой бўлмапти.
Ўланнинг қадри кетди эл ичидা,
Қадрини кеткизганлар йўқолмапти...

Кекса бийдек мақолга бурмагаймақ,
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.
Сўзим — ўзга, тингловчи сен ҳам тузал,
Беҳуда гапдан сухбат қурмагайман.

Эл чопган ботирлардан сўйлаб берсам,
Ошиқлар, ма'шуқлардан куйлаб берсам,
Анчайин ҳангома деб тинглардингиэ,
Сўзларнинг сарасини сўйлаб берсам...

Аммо, ақл чақирилмаган меҳмон эмиш,
Ақли борга бундай умр зиндан эмиш...
Кечиринг, нодонларга тегиб ўтсам,
Бу элда тўғри айтган ёмон эмиш...

Тўғри сўзлик ўланим ўзинг кўркам!
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам...
Бу юрт сўз ошиқи-мас, мол ошиқи,
Розиман, мингдан бири тушунса ҳам...

Ўзи блан ёвлашган юртим, тингла!
Ўзи блан довлашган юртим, тингла!
Дардингга даво бўлсин ўланларим,
Бир-бирини овлашган, юртим тингла!

Ноҳот сенда қолмаган номус ва ор?
Ноҳот номус ва инсоф эмас даркор?
Теран ўй, теран илм йўлинг очсин,
Ёлғон ўлан ва сўздан өлам безор...

1887.

* * *

Бозорга, қараб турсам, ҳарким борар,
Излагани на бўлса шу топилар.
Бирор овқат олади, бирор маржон,
Ҳаркимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳаркимниг излаган бир нарсаси бор,
Чамалаб оқчасига шундан олар.
Бирор уқмас бу сўзни — бирор уқар,
Баҳосин фаҳм қилмай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу кунда киши борми?
Демайман сўзим юртга бирдай ёқар.
Ёзган сўнг ерда қолмас тешик мўнчоқ,
Бирордан — бирор олиб, элга тарар.

Бир кишимас ёзганим ялпи юртку,
Фижинмаёқ чироқлар уқсанг ярап.
„Ит маржонни на қилсин“ — деган сўз бор
Дили ўтли йигитлар бир ўйланар.

1886.

* * *

Ез кетди, қишининг боши, дала бежой,
Қора ел сўқиб турар бир-икки ой.
Қор тушгунча яйловни фойда кўриб,
Қишлоғдан ҳамон нари ўтирад бой.

Гадой шўрлик юради пода боқиб,
Ўтуни йўқ исинса олов ёқиб.
Хотин урчуқ йигирар, юнг савалај,
Чекман тўқир совуқда елка қоқиб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак, 1
На қуюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.
Чурук кийгиз остида титратар бобо,
Тушида гўшт кўрганин сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдирар бой бахиллиги,
Оч юрипти камбағал ақллиги,
Уришмайин ярим қол қий берса ҳам,
Қўйчи бойнинг каттакон сахилиги...

Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,
Овлоқ жойи—қозоқнинг кенг даласи.
Қарол ўғли бош букар хизматида,
Писанд эмас кўз ёши, оҳ — ноласи.

Соядай ҳам ўрни йўқ бой уйида,
Сорқўтга ҳам илинмас шу кўйида,
Лекин, узоқ кетолмас, чораси йўқ.
Ёрабби, ҳарким кулсин ўз тўйида!

Бой бўлса ўз ўғлидан кўнгли тўлиқ,
Ҳар дам маҳтар: азамат, жуда бўлиқ...
Ошин эплаб ичолмас, ит боласи,
Қарол ўғли оч ётар, ранги сўлиқ...

Қаролига бермайди бой парча нон,
Хизматга ҳам хайри йўқ, ёвуз ҳайвон,
Меҳри йўқ, инсофи йўқ, имони йўқ,
Нега одам яратдинг, қодир мовлон!

Қароли оч ўлса не, бой ўзи тўқ.
Ҳақ танимас, бағрингга қадалсин ўқ!
Ёш бола, кампир, чолни тентиратмай,
Ҳеч бўлмаса бир қиши боқ, инсофи йўқ!

1889.

ЙИГИТ СҮЗИ

Бердим салом, қалам қош,
Сенга қурбон мол ҳам бош.
Соғиниб сени үйлаб,
Оқар күздан қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон туғмас.
Тұғса туғар ортилмас.
Бир үзингдан бошқага,
Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,
Ишқ үтидан қайрилмас.
Күрмасам ҳам, күрсам ҳам,
Күнглим сендан айрилмас.

Күзим ётта қарамас,
Ёт ҳам менга ярамас.
Тор түшакда түшингни
Искармидим яланғоч!!.

Ийиғимда сунбул соч,
Қучоқлашсак биз бир паст.
Лаззат олсак бүлмасми?
Күз юмилған күнгил маст!!..

Сизда ноз, биэда эҳлос,
Шу сўзимнинг бари рост.
Сиздай ёрнинг дун'ёда,
Лаззатига жон тўймас.

Этинг этга текганда,
Даминг тийиб суйганда,
Тан жимирилаб, бўй эриб,
Ичим ўтдай куйганда.

Юрак эриб еганда —
Ички сирни туйганда —
— Излаб топар шунқорман,
Гўзалимни қувганда.

Жоним, ҳижронни йўқот,
Қараб тўймайман юз қат.
Иссиқ тийиб борасан,
Бир соатдан — бир соат.

Сиз қирғовул жез қанот,
Гул юзингни бир қарат.
Яқинлай бер ёнашиб
Хуморимни бир тарат.

1889.

ҚИЗ СҮЗИ

Кёлишдиғиб махтайсиз,
Үйласанг на топмайсиз?
Биэда әрк йүқ, ўзинг бил!
Алла нега бошлайсиз!! ..

Биз ҳам одам пайқаймиз,
Биз мардларни ёқлаймиз,
Сиздай асл гез келса,
Қайтиб бошни чайқаймиз.

Ақиликсан, сўзинг бой,
Сиз ялин чўқ, биз бир мой,
Иссиқ сўз кирди ичга,
Мой турарми эримай.

Қабул кўрсанг кўнглим жой,
Ташлаб кетсанг, ёпирим-ой!
Ит хўр одам бўларми?
Бу дун'ёда шўрлингдай.

Тилагимни бермасанг,
Амалим не, ерласанг,
Ўргатмагин бўйингга,
Аниқ яхши кўрмасанг.

Асл ошиқ әрга тенг,
Қора күнглим ерга тенг.
Сенсиз менга ёт түшак,
Бұлар худди гүрга тенг.

Сиз бир шунқор шоҳпарноз,
Ер юзидан олган бож.
Биздай ғариб ҳисобсиз,
Күйингда юрап мұхтож.

Тод чивиқдай, ўралиб,
Гул шоҳидай буралыб,
Салмоғингдан янчилиб,
Қолсин ҳумор бир қониб.

Буни ёздим ўйланиб,
Үйда бордан түлғаниб,
Ёқса дилга ўқий бер,
Йигитлар құлға олиб.

Буни ўқиса ким таниб,
Юрагида ўт ёниб.
Сүз уқарлык жон топса,
Айтса бўлар қуй солиб.

1000



* * *

Аввалдан бир совуқ муз — ақл зийрак.
Иситған бутун бўйни иссиқ юрак.
Саботлик, талабгорлик, чидамлилик,
Бу ғайратдан чиқади, билсанг керак.

Ақл, ғайрат, юракни бирдан ушла,
Шунда тўлиқ бўласан әлдан бўлак.
Якка-якка ҳечбира ёритмайди,
Йўлда йўқ ярим ишни яхши демак.
Ақл ҳам, ғазаб ҳам йўқ, кулки ҳам йўқ,
Ўйнаб, қайнаб бир юрак қилар ҳалок.
Бирорининг куни йўқ, бирорисиз,
Илм — шу учовининг жўнин билмак.

Ошиқлик, ишқибоэлик — у икки йўл,
Ишқибоэлик нафс учун бўлади қўл.
Сендан ортиқ жон йўқ деб ошиқ
бўлдим.

Мен не бўлсам бўлайин; сен омон бўл!
Кўнглимнинг роҳати сен бўлгандан сўнг,
Яширинма нурингга жон қувонсин.
Бирга ёқсан, бирорга ёқмас эди,
Суйкумли тирик жонга кеткан жонсен.

Ошиқлик келса енгар кўнгил олиб,
Юпатар безгак каби сўлқиллатиб.
Бутун тани тунгар, совур — умид узса.
Умидланса ўртанар куйиб ёниб.

1889.

КҮКЛАМ

Кўклам келса, қолмайди қишининг изи,
Қулпуар кўкаламзор ернинг юзи;
Жон киради борлиққа, табиатга,
Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.

Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,
Ўтовда ўтиромас қари-қартанг;
Жон-жонивор, одамзод яйраб кетар,
Қушларнинг қўшиғидан ҳаво жаранг.

Қирдаги, сойдаги эл аралашар,
Қуй қўзилаб, оёққа ўралашар,
Қиш бўйи бир-бирин кўрмаганлар,
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишинар, қўра—шов-шув,
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.
Етти рангли гиламдай яшил тусда—
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учишар ўрдак ҳам ғоз,
Уя излаб югуар бола шоввоз;
Учқур отни эгарлаб кўлга тушсанг,
Чақмоқдай тез ов олар бўз довулбоз¹.

¹ Довулбоз — ов қуши, лочин.

Қанжиғада ўлжаси — овчи қайтар,
Сулув қизлар нозланиб, салом айтар.
Күш гўштига мос тушар нордон қимиз,
Баданингни болқитар, жимиirlатар.

Кўкламдай кийинишар келинчаклар,
Чаккасида гунафша, бойчечаклар,
Қирда тўрғай сайраса, сойда булбул,
Гул blaи тўлиб кетар — тул этаклар.

Деҳқонлар қўш қўшади, экар экин,
Ҳафта ўтмай кўкарап экин-тикин,
Савдогарлар мол юклаб, туя қўмлаб,
Олис-олис йўллардан келар секин.

Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер — она, қуёш — ота, нури жаҳон,
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўкар ёруг осмон.

Бўлут ўтса ариллаб оқади сой,
Кечаси — чаман юлдуз ва тўлин ой,
Не қилсин қоронғуда ярқирамай,
Қуёш чиқар чоғида ҳолигавой.

Қуёш — ошиқ, ерни кўп севар эмиш,
Ер ишқида ўртаниб, куяр эмиш.
Ошиқ йигит уфуқдан кўрингандা,
Юлдуз ва ой севгини қўяр эмиш.

Ошиқ-қуёш тун бўйи кутар эмиш,
Һисол пайтин пойлаб кўз тутар эмиш.
Саҳардан оғуш очиб севганини
Муҳаббат оловида ўртар эмиш...

Қиши бўйи ер — қуёшни иэлар муштоқ,
Кута бериб соchlари бўлармиш оқ;
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,
Гул очиб, тўлишэрмиш, етмай қучоқ.

Қуёшга тўғри бўққан — кўр бўлади,
Қуёш кулса оламга нур тўлади.
Не билай, ўзим кўрдим, қуёш ҳар кеч —
Олтин чодирига кириб, дам олади.

1890.

• * •

Сулувлар сараси,
Кўзимнинг қораси!
Қийнайди жонимни —
Муҳаббат яраси...

Қозоқнинг доноси,
Улуғи, оғаси,
Дер: „унга тенг келмас —
Ҳеч одам боласи...“

Йиғлайман, бўзлайман,
Дардимни сўзлайман,
Сен учун сўзларнинг
Гавҳарин иzlайман

Дардимни қўзғайман,
Ҳажрида тўзмайман.
Ўзи ҳам билмасми,
Гапни кўп чўзмайман.

Ўзи хўп билади,
Ҳарзамон келади;
Сир бермай, сўз демай,
Бағримни тилади.

Оқади кўз ёшим;
Йўқ ёлғиз мунгдошим,
Куяман, ёнаман,
Айланар шўр бошим.

Шунчалар ситамми?
Шунчалар аламми?
Юракда ўти йўқ —
Одам ҳам одамми?

Кўркингнинг доғи йўқ.
Доғ тушар чоғи йўқ;
Арзимни айтайин,
Хоҳ тушун, ҳоҳи йўқ.

Оқ манглай, қалин соч,
Соч деган бир қулоч,
Қирмизи яноқлим,
Қарогим, юзинг оч!

Сув бўлиб оқишинг,
Ҳам қиё боқишинг —
Оромим олибдир,
Токай жон ёқишинг?

Расо бўй, хипча бел,
Қайрилар эssa ел;
Токай мен оҳ урай,
Қарогим, бери кел!

Сен кулсанг—ёз бўлур,
Ҳасратим оз бўлур.
Кулиб қўй, очилиб,
Токай бу ноз бўлур?

- Дардингда юраман,
Азоблар кўраман,
Мол тугул, йўлинига —
Бошни ҳам бераман.

Гул ҳидинг анқийди,
Кўркинг нур чалқийди;
Узоқдан кўрганда —
Суягим балқийди.

Махташга сўзим йўқ,
Сўзлашга юзим йўқ;
Қуёшдай гўзалим,
Қарашга кўзим йўқ.

Сенсан — жон лаззати,
Кўрк — тангри давлати;
Суловни севмаклик —
Пайғамбар суннати.

Қулоқ сол додимга,
Оху-фар'ёдимга;
Кўнглимини очдим мен —
Сен паризодимга.

У ёғни ўзинг бил;
Майлига, бағрим тил,
Узун гап қисқаси —
Кетганман сенга зил.

Йиғлатмай беқарор,
Зўраки, бўлсанг ёр;
Кулишинг, келишинг
Қиласи кўп хумор.

Тайсалган — йигитмас.
Жавоб айт бу нафас...
Худоё, юрагим
Ёнишин қилгин баст...

1918.

* * *

Талай сўз бундан бурун кўп айтганман,
Тегин ўйлаб, кўп қайғу еб айтганман.
Ақлликлар орланнб, уялганчун,
Ўйланиб, тузаларми деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун,
Бирининг бири теъдан уқмас сўзин.
Кўзнинг ёши, юракнинг қони блан,
Эритишга бўлмайди ички музин.

Дўстим ай ҳаволанмай сўзга тушун,
Ўйланчи сиртин қўйиб, сўзнинг ичин.
Иржангламай тинглассанг ниманг кетар
Чиқарган сўз эмас-ку жинни учун.

Адашиб аланглама йўл тополмай,
Берироқ тўғри йўлга чиқ қамалмай.
Ё илм йўқ, ёинки меҳнат ҳам йўқ,
Энг бўлмаса кетдинг-ку мол боқолмай.

1894.

• • •

Севги тили — сўэсиз тил,
Кўз блан кўр, дилдан бил.
Бир қараш ё бир имо —
Етар... Боғланар кўнгил!

Билардим бу тилни мен,
Овлардим кўп дилни мен:
Унутдим: бу тил сирин,
Ва сочи сунбулни мен...

1894.

* * *

Ёшлик ўтди, билдингми?
Йигитликка келдингми?
Йигитлик ўтди, кўрдингми?
Кексаликка кўндингми?

Ким билади, шум така,
Не гуноҳлар қилгансан.
Не қилмишлар билгансан,
Қай кўчага киргансан,
Не йўллардан юргансан.

Ким билади, шум така,
Тугал бадбахт бўларсан,
Оғилда ўлган туюдай,
Сен ҳам ҳаром ўларсан.

1895.

К У З

Сур булут, ранги совуқ, тұлар осмон,
Далани қучоғига босар туман.
Түйганданми, билмайман, түнгганданми,
Үюр-үюр йилқилар чопар ҳар ён.

Майсазор йүқ, тараса елларда соч,
Тилянчидай қуп-қуруқ ҳарбир ёғоч,
Гұдаклар шөөқун солмас, югиришмас,
Чүл ёниб кетган каби қип ялонғоч.

Бирсвлар—пўстин тикар, териси мўл,
Биревлар—жулдур чакмон, кезади чўл;
Бой учун кийгиз босар гала чўри,
Биревлар куни учун олади йўл.

Турналар тўп-тўп учар тушлик ёққа,
Сарбони бор карвонни бошламоққа.
Қай овулга бормагин, ғусса тўлиқ,
Ел ўшқириб чопади тоғдан-тоққа.

Кўнгилсиз қора совуқ, қирда юрсанг;
Бирев келиб қарамас ёлғиз ўлсанг.
Гўдаклар оч, инграшар кампир ҳам чол,
Итлар ҳам оч увлашар қайда кўрсанг.

Ёз ўтди айран ичиб яйловларда;
Олов йўқ, бу чоқ қсрса ўтовларда.
Шўринг қурсин, қозоғим, шўринг қурсин,
Молинг мўл, оч кезасан қишловларда.

1889.

• • •

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,
Ўтган-кетган гапларни термак учун.
Мен ўланни ёзаман тушунганды,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.
Сўзимни тентак уқмас, зийрак уқар,
Кўнглининг кўзи очиқ, сергак уқар.

Қийшиқ-қингир йўллардан келма менга;
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга.
Эҳтимол, биринчи гал уқмассан ҳам,
Ўлан алифбесидан бошлай сенга.
Айтиб қўяй, ёқмаса, шу зомоноқ айт;
Янги ўлан сўрамай, овлингга қайт.

Мен ўланда афсона кўйламадим,
Олтиндан қуйма қизни ўйламадим.
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,
Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим.
Жирканмайин, сўз аслин мендан сўра,
Сўзимнинг таги теран, пайқаб қара.

Ота блан олишган — одам эмас...
Саргардон ҳам саёқлар ҳеч кам эмас.

Ватансиз, нодон, молсиз етиб — ортар,
Хотинбоз, қуруқ савлат, сир ҳам эмас:
Қозоқда бангилар ҳам чиқиб қолди,
Беҳунар ҳангилар ҳам чиқиб қолди.

Үлан күп, тузсиз үлан тегди жонга,
Елғон гап тўлиб кетди бу жаҳонга.
Оқинлар, ялинаман, ақлга кир,
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.
Үлан бор — ўланларнинг ўланидир.
Үлан бор — бема'нидир, бема'нидир.

1889.

* * *

Сол демайман, сўзимга эҳлосингпи,
Қайгули ўлан этдим ўз бошимни.
Юрагимда сирим бор ўз ҳолича
Кўринганча, яширмай кўз ёшимни.

Қўл, ёзишни эрмак қил ётма бекор,
Бу кўнгилсиз дун'ёдан кўп йил ўтар.
Ўзи қисқа ҳам асов, тентак умр,
Ортдагига бир белги қўйса нетар.

Ким билар тўғри келса ортдагилар,
Ўйга солиб уқирда, сўзин синар.
Кўзин солиб ўйланиб гоҳ бир сўзин,
Ростку деб ма'носини унга унар.

Ким билар хафаликла ёзган сўзим,
Юбормай кўп тўхтатар унинг кўзин.

1896.

• * •

Не умид: беирода,
Faflat босган инсондан?
Ақлдан маҳрум одам—
Фарқи нима ҳайвондан?

Иродасиз ақл ҳам—
Теран бўйлаб кетолмас,
Faflatда қолган одам —
Муродига етолмас.

Тан тилагин бермасанг.
Жон чидамас. жон ачири.
Жон тилагин бермасанг,
Қон чидамас, қон ачири.

Молку ақлдан маҳрум,
Тану-жони бор, аммо,
Молдан фарқинг бўлмагач,
Тириклидан не ма'но?

Номим одам бўлган сўнг,
Қандай нодон бўлайин?
Халқим нодон бўлган сўнг,
Қаёқ бориб ўнгайин?

1898.

* * *

Кун кетидан кун туғар,
Асло вақтин ўтказмас.
Үй кетидан үй туғар,
Елга мингсанг еткузмас!

1898.

1

45

• • •

Бутун тунга тарқалар —
Яхши оҳанг, ширин кўй.
Дилга хил-хил ўй солар,
Оҳанг сўйсанг, мендай суй!

Олам эсдаи чиқади,
Унутаман ўзимни.
Кўнглим ма'ни уқади,
Диялмайман сўзимни.

Чўлда ташна сув топса,
Ичар узала тушиб.
Билмайди, то қонгунча,
Ўтсалар ҳам туртишиб.

Яхши оҳанг — куйдирап,
Эсга тушар ўтганлар.
Гўё тушингга кирап —
Кўйлаб, йиглаб кетганлар...

Эски олам, қадим ҳол —
Такрор аён бўлади.
Ҳарён учади хаёл,
Менинг кўнглим тўлади.

Ўтмиш оғусин ичиб,
Бўламан боз маст — гаранг.
Ёлғонлар чин кўринар...
Оҳаңг кучига қаранг!

Боз мени алдайбошлар —
Ҳар муттаҳам ва ҳар қув.
Оlamда мен ичмаган —
Айтинг қолдими оғу?

1897

* * *

Дағал овоз, ёки әшак ҳанграши —
Ранжу, ғашдан ортиқ бизга не берар?
Одамзодга ҳунар бўлса — алдаши,
Ундан одамзодга яхши не келар?

Не топасан қора кулни титкилаб?
Не топасан нодонларни турткилаб?
Нодон экан, сўзсиз, нодон атайман?
Беҳунарни нечук инсон атайман?

1898.

* * *

Мен кўрдим, узун қайин қулаганин,
Қора ерга бош қўйиб сулаганин.
Япроги сарғайиб ва ўлимсираб.
Бойқушнинг ким тинглайди йиглаганин

Мен кўрдим, ўйнаб юрган қизил кийик
Гавдасига милтиқнинг ўқи тийиб,
Толиқиб, қонсираган қовоқ туйиб,
Кимга ботар у бойқуш тортган куйик.

Мен кўрдим синиқ қанот капалакни,
У ҳам билар умрни изламакни;
Кун чиққанда исинар қалт-қулт этиб.
Ундан ибрат олар жон бир бўлакни.

Мен кўрдим ошиқ ёрдан ва'дасизлик.
Умрнинг қизигидан умид уздик.
Иссиқ юрак совуди, яра тушди,
Чиқмаган чибиш жонла кун ўтказдик

Дун'ёниг билдик охир оқибатин,
Еб юрган кўп, бирининг бири этин,
Уйли одамга қизиқ йўқ бу дун'ёда.
Кўпининг сирти бутун, ичи тутун.

* * *

Оч киши тинчланарми тўймагунча,
Түқ киши то ёрилиб ўлмагунча?
„Бир тўйсанг — чала бойлик“ деган қозоқ.
Эт топса — қўймас ҳолдан тоймагунча...

Меҳнатсиз, ҳаракатсиз, шўрлик қозоқ!
Овқат излаб тентирап, гадо — қашшоқ.
Тушларига кирэди қимиз ҳам гўшт,
Йўқчилик гирдобига тушган шундоқ!

Бўлсайди қимиз текин, ҳам гўшт арzon,
Ундан ҳам шинин овқат қиласп армон...
Тер тўкиб, кун кўроқлик — озат эмас,
Тиланчилак. эй танграм, қандай ёмон!

Холи йўқ ўз уйи а ўт ёкиш а.
Тентирап қарамайин қоса қишига;
Бир суюгу, бир оёқ қимиз берган —
Даррав боғлаб солади мол боқишига.

Не илож. ётга ёллан, мол толиб кел...
Молинг бўлса, сийламай туролмас эл...
Ёшлик ўтган беҳуда ва бемеҳнат,
Ёшлигинг ўтган изсиз мисоли ел!

Ҳунари бор — ҳечкимга қарам бўлмас!
Эринчак ҳечқачон ҳам, одам бўлмас!
Эшак думин ювсанг ҳам, ҳалол меҳнат,
Ҳалол меҳнат — ҳечқайда гуноҳ эмас!

Ўғри бўлиб, яхши тўн қиялмассан,
Бир ўргансанг нафсингни тиялмассан;
Давлат кетар, ор блан номус кетар,
Аммо, чивин жонингни қиялмассан.

Ба'зига қувлик блан давлат битар,
Ба'зилар тоғулғунча тиляб ўзар
Меҳнат қилман топғанинг даълат эмас,
Қор сувидай бир зумда оқиб кетар.

Қасам ургин қувлардан нари юргин!
Тиниб оқмас сувлардан нари юргин!
Бу юртда тиланчи кўп, эринчак мўл,
Меҳнат севмас... Улардан нари юргин!

1895.

• • •

Елсиз туида ёруқ ой
Нури сувда дириллар.
Овул олди теран сой,
Дар'ё каби гуриллар.

Қалин дараҳт барглари
Шивирлашар, ғоз қотар.
Майсазордир таглари,
Күмкүк, товланиб ётар.

Янграр эди тоғу-тош,
Қўйлаб келган чоғида.
Йўлимга чиқар эдинг.
Кўришардик овлоғда.

Қалби гур-гур уради,
Совуқ тер босарди гоҳ.
Хориб шунда туради
Чўчиб тушарди ногоҳ.

Сўз айталмас, тили лол.
Нотинч эди юраги.
Суяниб турад беҳол,
Томоққа ботиб ияги,

1898.



Ярқироқ оқ кумушдай кенг манглайли.
Жон олғиң қора күзи нур яшнайды.
Ингичка қора қоши чизиб құйған
Биргина ұхшатаман туққан ойни.

Манглайдан тұғри түшган қирра бурун,
Нурли юз, қирмизи бет, тил бойлайды.
Лаб очса, күринади инжу тиши,
Худди құлда тизгандай... ич қайнайды.

Сұзлари күп адабли ва ма'ноли,
Күйласа боғда булбул сайрагандай.
Товланған оқ шоҳидай томоғи бор,
Бир күрсанғ күнглинг тамом яйрагандай.

Яғрини тахтакашдай, ийіғи тик,
Құш олма гавдасида қийшаймайды.
Чиройли,— узун әмас, қисқа әмас—
Нозик бел, тол хивичдай буронглайды.

Еш боланинг билагидай билаги бор.
Ажинсиз оқ бармоқлар ишга чевар,
Сунбул қора сочи бор ипак толли
Бир күргач ҳарқандай күз уни севар.

Қандай қизда лаэзат бор әкан тотмаганғ!
Гүзали бу замоннинг тек ётмаган,
Үн саккиз-үн тўққизга келгандан сўнг,
Олмаси ўпка бўлар қўл ботмаган.

Буларинг тоҳ бирининг минезлари —
Ҳеч нарса кўрмагандай буртонглайди,
Тоҳ бири содда, очиқ бўламан деб
Ўринсиз одамлар-ла жиртанглайди.

Аввалдан гўзал ҳбли бизга ма'лум.
Юрг ёқлаган йигитни қиз махтайди.
Тоҳ йигит орсизларча уялмасдан,
Кўли етмас нарсага тиртонглайди.

Ўринли ишга юриб ўй топмаган,
Эпин топиб меҳнатла мол боқмаган,
Хосиятли бўлмайди ундей йигит.
Анчайин бекор юриб лақиллаган.

ДАУЫЗ СЕЙЛАНУМ СИЛДАР НАД
СИЛДАР СЕЙЛАНУМ СИЛДАР НАД
СИЛДАР СЕЙЛАНУМ СИЛДАР НАД
СИЛДАР СЕЙЛАНУМ СИЛДАР НАД

* * *

Бир гўзал қиз бўлибди хон қўлида,
Хон ҳам жонин қияркан қиз йўлида;
Олтин-кумиш кийгани шоҳи ипак,
Кутуучи қиз-келинлар бор сўнгида.

Деган сўз бор „уй-уйга, така тувга“
Хон гарқ бўлиб юрилти своз дувга,
Қўйнимни, чол сийпаган, қурт есин деб,
Жар тошдан қиз қулабди теран сувга.

Шон—салғанат юлатмас ёш юракни,
Ким ҳам бўлсия, ўз тенгин тиламасми?
Вақти ўтган давронни қувалаган,
На қилсия бир қариган қув суюкни?

Қари — ёш даврони ўзга, тотув эмас,
Эпга кўнар, ёш юрак сотув эмас.
Кимда-ким катія бўлса икки мучал,
Мол бериб олган блан хотин эмас.

Кўп бойлар ёш хотинни тутар экан.
Ёш қайғусин билдирамай ютар экан.
Орасида буларнинг муҳаббат йўқ.
Тушаб қўйиб қочирар буқамикан?

Бой қариса молига берар чилвир,
Мол умрни янгиртмас, худо ургир.
Бирорнинг қизин молга сотиб олиб,
Илгаргини излаган қандай қургир.

„Хотиним қандай?“ демас оқсоқол бой,
Ёш блан дўст бўлибди ёпирам—ай!
Қув хотининг майишса шод бўласан,
Шайтонга шогирд қилиб қўйишгандай.

Қари бой! Қаттиқ соқ бўл, тилга кўнсанг,
Муйиз чиқар хотиннинг тилига кирсанг.
Ҳеч ўқмассан ўзингга--ўзинг маз бўб,
Дастурхон ҳам хотинни, маҳташ кўрсанг.

Гуноҳсиз хотин блан бўлар ароз,
Ёшнинг кўнгли эримас, у ўзи ноз,
Биттаси қизил гулу, бири қуврай,
Бир ерга қўшилурми қиш блан ёз!

Доим бўлмас қуйруқни буланглатган,
Сочидан силаб-сийраб суюб ётган.
Икки кўнгил ораси йилчилик ер,
Уни қандай қўшади у онт урган.

1896

* * *

Ярқ этмас, қоро күнглим не қилса ҳам,
Осмонда ой блан кун чақилса ҳам.
Дун'ёда сра сендай менга ёо йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топилса ҳам.

Шўрли ошиқ сарғайса ҳам, соғинса ҳам,
Ёр айниб, яхши сўздан янглишса ҳам,
Чидайди ёр ишига рози бўлиб,
Масхара ва хўрликда топынса ҳам.

Тулпордан — чувир ўзмас чопилса ҳам,
Унга ҳам укки тумор тақилса ҳам.
Қоқитмай мени сиртдан юраолмайди,
Каерда ким еликиб, қоқинса ҳам.

Кучук, ит бари оларми ёпилса ҳам,
Етарли бўлиб суяқ топилса ҳам.
Орсиз одам дўқ уриб ҳарсиллайди,
Ҳар ердаёқ устунга тақилса ҳам.

1889.

* * *

Молга дўстнинг дўсти йўқ молдан бошқа.
Оларида чора йўқ алдамасга.
Қаерда пулни кўрса топинади,
Одамлар ла'натўқир ундаи пастга.

Мол ёяди шуҳратин билдиromoққа
Кўз-кўз қиласар мол блан куйдиromoққа.
Ўзи чўчқа, ўзгани ит деб ўйлар,
Сув шўрва суюк блан суйдирмакка.

Ақлли, хуш фе'ли ва орли деб
Махтамайди ҳеч кимни бу кунда кўп.
Шу кунда мол қаерда гўнг ичида,
Олтин берсанг, беради гўнгидан еб.

Шуни уқиб ўйлай бер бўлсанг зийрак.
Кучингни сот, ор сотиб нега керак?
Уч нарса одамзоднинг хосияти,
Зўр ғайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак.

1896.

• * •

Юрагим нима сезасан,
Сендан бошқа жон йўқми?
Дун'ёни кўнглим кезасан,
Таянч йўқми, қўй тўхта!

Сеэганингни сездириб,
Етолмадинг ўртоққа.
Тирик жондан бездириб,
Оборасан қай ёққа.

Ўртоқлик, тинчлик, дўстлик ку,
Унинг қадрик ким билар?
Хар кимга тилак қўшдик-ку—
Бари алдамчи савдогар.

Дўстни қайдан топарсан,
Кенгашишға одам йўқ.
Нари бери чопарсан,
Ёлғизлиқдан ёмон йўқ.

Ақл айтсачг бирорга
Ичинг эриб, илиниб.
Уялмас ҳақ тилашга,
Раєволиги билиниб,

Ҳақин бериб тинглатган,
Сўз кўнгилга кўнарми?
Қулогин сотган пир урган,
Ўнгдирарми, ўнгарми?

Куясан юрак, куясан
Куйганингдан не фойда.
Дун'ёда нени суюсан,
Умр қайда, дўст қайда?

1900,

50

ЖУМБОҚ

Тангрим миқти яратмиш саккис ботир,
Бурунгидан сұқишиб ҳали ётири.
Кезак—кезак йиқиши, ётиб—туар,
Ким йиқиши белгисиз келі б охир.

ЕЧИЛИШ

Муни топай үйланиб, оқин —денгиэ,
Топалмасам, ақлингиз кечүн дерсиз:
Бу: қиши, ёз. кун блан тун, тоқ блан жуфт,
Яхшилик ҳам ёмонлик.. бүлди саккиэ!

1890.

ИСКАНДАР

(Хангома)

Искандарни ҳамма ҳам билармикан?
Айтиб берсам, ишонмай кулармикан?
Филипп пошшо фарзанди, донғи кетган,
Ҳеч баҳодир унга тенг келармикан?

Ёши ҳам йигирма бир, расо бўлди;
Филипп ўлди, ўрнига пошшо бўлди.
Ўз давлати, ўз юрти кам кўринниб,
Кўшни эллар бошига бало бўлди.

Искандар қўшин йиғиб, йўлга тушди,
Қанча мулк, қанча давлат қўлга тушди;
Дар'ё-дар'ё оқди қон, ёнди боғлар,
Искандарнинг босқини мўлга тушди.

Тиз чўкди талай хонлар қаршисида,
Тиз чўкди не султонлар қаршисида.
Асир тушиб, қул бўлди саноқсиз эл,
Тиз чўкди не инсонлар қаршисида...

Шаҳаншоҳ, деб шуҳрати гап — сўз бўлди...
Давлати ошган сайин—очкўз бўлди,
Қўйни тўлди, кўзи ҳеч тўйгани йўқ,
Ер юзин олмадим, деб дилсўз бўлди.

У, яна қүшин йиғиб йўлга тушди,
Яна давлат, иқлимлар қўлга тушди;
Ҳеч қайда тополмади қўниқ, ором,
Дар'ё кечди, йўли бир чўлга тушди...

Олис чўлга дуч келди у ногуҳон,
Қақраган ҳам яланғоч қум ҳартомон,
Қанча тежаб исча ҳам етмади сув,
Чўл таптида қоврилар мол ва инсон.

Бир қатра сув дардида қўшин сарсон,
Бедармон, чала жинни ва чала жон.
Қанчалар қолиб кетди бу саҳрода,
Не иложки, ер — қаттиқ, йироқ осмон...

Жаҳонгирнинг оти ҳам қулаб ўлди,
Дўст ёлин қучиб ғамга ошно бўлди.
Ўрнидан туриб боқса, олисларда —
Бир шў'ла барқ урмоқда... Ҳайрат тўлди.

Шаҳаншоҳ шў'ла томон тўғри юрди,
Саҳронинг қоқ белида нима кўрди?
Оқиб келиб қумларга сингмоқда сув,
Искандар от устидан сувга урди.

Тоза қониб дер эди: „Не ҳикмат бу?
Чул аро ҳандай ширин вэ салқин сув...
Сув бошида бадавлат эл бор ўхшар,
Ҳамманг ичиб, дармон йиғ ва юзинг юв!

Дармон йиғиб, сув бўйлаб кетишм бор,
Сув бошида — қал'ага этишим бор.
Бош эгмаса — қиличим бошидадир,
Шаҳрин ҳам тош—талқон этишим бор”.

Жар солиб, сув ёқалаб юриб кетди,
Йўлда қўнмай, кўп кун от суриб кетди.
Қўшини совут кийган, ўнкай ботир,
Йўл-йўлакай базмини қуриб кетди.

Ҳайрон бўлинг Искандар бардошига,
Юра-юра етипти тоғ бошига,
Ғойиб бўлди шу ерда сув оқиши,
Разм солиб қаради ҳар тошига.

Қарасаки, ажойиб қал'а турар,
Искандар от бошини дарҳол буар,
Тутқасин тортар олтин дарвозанинг,
Очолмай, қаҳри қистаб, ҳар ён юрар.

Ҳечқачон бундай хўрлик кўрмаганди,
Ҳеч дарвоза олдида турмаганди;
Ғолиб бўлиб ўрганган асов кўнгил —
Хўрланарман, деб, хаёл сурмаганди.

Қаҳри қистаб, қоқишига тушди ногоҳ:
— „Дарвозангни оч!“ деди Искандар шоҳ,
— „Ижозат йўқ, бу — тангри эшиги!“
Қоровулнинг жавоби солди садо...

— „Билмайсанми, Искандар деган менман.
Ер юзини урушда енгган мениман.
У — худо, мен — подшо, нима бўлти,
Энг сўнги қал'а учун келган мениман!“

— „Махтанишга ҳожат йўқ, зўравонсан,
Ҳам зўравон, ҳам очкўз, тўймас жонсан.
Миқти бўлсанг — нафсингга кучинг етсин,
Бу дарвоза очилмас, бил, аён сан!“

— „Кўп кеэдим, тўғри келди рангбаранг ер.
Қал'аларга чанг солдим мисоли шер;
Қал'ангни-ку очмайсан, ҳеч бўлмаса,
Халқимга кўрсатайин, бир сийлов бер!“

Шу замон келиб тушди тугун — рўмол;
Овоз келди: „Жаҳонгир! Сийловни ол!
Сен сўраган сийловнинг худди ўзи,
Жўнаб қол, йўлда очиб назаринг сол!“

Кўигли тўлиб, тугунни қўлга олди;
Тўхтамай, қўшип томон чопиб қолди.
Очсаки, рўмол тўла — қоқ суяклар...
„Бу қандай масхара?“ деб ақли толди.

Жаҳаннамдай тутоқиб кетди бирдан,
Ҳеч ма ни ололмади ушбу сирдан.
На'ра чекди: „Менга шу равомиди,—
Суяк деган толилар ҳамма ердан!“

Ҳам тугунни иргитди бетоқат қўл...
Арасту яқин келди — ақли зап мўл:
— „Шоҳо,— деди,— бу тортиқ бәжиз эмас,
Хосиятлик суяк бу — хабардор бўл!“

Арасту сўзлар экан, тингламас ким?
Искандар ҳам ноилож ўтирди жим.
— „Кўрайлик, суякми ё олтин оғир,
Тарозуни келтиринг!“ — деди ҳаким.

Тарозуни шу замон келтирдилар;
Бир ёнига кумуш, зар тўғидирдилар;
Бир ёнда суяк оғир босиб турди;
Ҳаммаси ҳайрон қолиб ўлтирдилар.

Йифилди қўшинда бор олтин буткул,
Босарди суяк ётган палла нуқул.
— „Хазинам етмадику! Суяк оғир...
Чорасини топ!“ деди энг кейин ул.

Ҳаким олди ердан бир сиқим тупроқ,
Ва сүякниңг устига сочди шу чоқ.
Бир дамда олтин оғир босиб тушди;
Искандар яна ҳайрон, хаёл тарқоқ.

Шаҳаншоҳнинг бағрини тирнар оғу,
Чидалмайин ҳакимни чақирди у:
„Му'жизани тушунмай, қотди бошим,
Ма'носини айтиб бер, эй Арасту!“

— „Кўз суюги — бу суюк! деб бошлар сўз,
Тирикликда ҳечқачон тўймайди кўз,
Бир сиқим тупроққа ҳам тўяр — ўлса,
Ғазабланма, шаҳаншоҳ, бўлма дилсўз!“

Ўйлаб-ўйлаб подшоҳ бошин букди,
Кўзлари косасига ботиб — чўкди.
Йўл солди ўз юртига қўшин тортиб,
Ўлгунича ўзини - ўзи сўкди.

Сўз тамом, адоқ бўлди ҳангома ҳам,
Беҳуда гап ўйлама буни ҳеч дам.
Ору-номус сотма умр бозғрида —
Очкўз бўлма, одам-мас очкўз одам!

Махтанишнинг ҳайри йўқ, яхши билгин,
Донолардан ўрганиб, амал қилгин.
Ўз баҳонгни — ўзингдан ким сўрайди,
Яхши бўлсанг — ёруғлик сочиб келгин!

1901.

МАС'УД

(Дастон)

Ё олло ҳурматингга дўстинг Маҳмуд
Тилга куч бер, билинсин тӯғри мақсуд.
Хорун-Рашид ҳалифа замонида
Боғдодда йигит бөрди оти Мас'уд.

Шаҳардан бир кун Мас'уд чиқди тишқа.
Бордими тӯғри келиб бирор ишга.
Бир ўғри ушлаб, тўнаб ётган ерда
Гез бўлди бир бечора чол бойқишига.

Чол бойқиши бақиради фаръёд солиб,
Айриб олар одам йўқ уни бориб.
„Кимам бўлса бир эрлик қилайин“ деб
Мас'уд учди ўғрига ғазабланиб.

Мас'удни ўғри чопди қилич блан,
Яхшиёқ жон сақлади бир иш блан,
Эсон-омон у чол ҳам қутилибди,
Мас'уддан ёв қочганда уруш блан.

Мас'удга келди у чол кўзин тиклаб,
Кўрса бошдан қон оқади мард энтикиб,
Чол ўйлапти қарзимни мен ўтайин,
Йигит экан баҳодир, ёв юрак деб.

Эй йигит не қилсанг ҳам эр экансан,
Кўргайсан эрлигингнинг баракасин.
Ажалдан, сабаб бўлиб, сен қутқардинг
Шу учун олло сенга умр берсин.

Бой эмасман, ботир ё хон эмасман,
Отоқли, ортиқ бўлган жон эмасман.
Сабаб бўлиб ажалдан қутқардинг сен,
Яхшиликни мен билмас, чол эмасман.

Мен бир жонман дун'ёда, жаҳон кезган,
Аzon блан кетаман шаҳрингиздан.
Эртароқ фалон ерга келиб туриб,
Олиб қол бир мукофот ўғлим биздан.

Пул учун қизиқмассан сен ҳам бир эр,
Сени менга учратди парвардигор.
Бир худонинг ҳаққи учун мен тилайман,
Қабул қил шартим учун қўлингни бер.

Ўғрига юбормадим мен номусни,
Ким пуллар бундай·бундай қилган ишни.
Олло ҳақи деган ҳеч амал ҳам йўқ,
„Борайин“ деб ва'да этиб қўл олиши.

У ерга йигит туриб эрта борди,
Олдидан чол тез пайдо бўлақолди.
Қўлидан ушлаб олиб эргаштириб,
Бир четда турган уйга олиб борди.

У уйда бир гул турар сўлқиллаган,
Бошида уч мева бор билқиллаган.
Бири оқ, бири қизил, бири сариқ.
Танлаб шундан бирини олгин, деган.

Оқин олсанг ақлинг жондан ошар,
Сарифин олсанг давлтинг сувдай тошар.
Агар қизил мевани олиб есанг
Хотин-қизда жон бўлмас сендан қочар.

У йигит чол сўзига қулоқ солди,
Кўзини пастга тикиш оз ўйланди.
Оқи блан сарифин олмайман деб,
„Қизил мева ейман”—деб қўлга олди.

Мен бераман, тонмайман айта туриб,
Пушаймон бўлма, кейин юриб юриб.
Оқ блан сарифини олмаганинг,
Ма'носини менга айт яқин кўриб.

Мен бўлсам агар оқин емоқ дедим,
Ақлли бўлдим элдан бўлак дедим.
Мен ақлни эмас, у балки мени,
Йўлга солса, ўргатса керак дедим.

Ақллик жон топилмас менга сирдош,
Айниқса сўзга нодон бўйин бермас.
Адолатсиз, ақлсиз, орсизларни
Кўра туриб кўнгилда тинчлик турмас.

Одам дардли бўлмасми ғусса тортиб,
Ширин уйқу келмайди тунда ётиб,
Юрагимнинг дардига эм 10полмай,
Ширин ош ичолмайман дамин тотиб.

Сарифин еб, мен бўлсам бойнинг ўзи,
Оғзида халойиқнинг бўлдим сўзи.
Палончадан бир нарса олсакчи деб,
Тикилар жон битканнинг менга кўзи.

Юрт қарғар юртдан ортиқ бойлик учун,
Пуллайди бирор турсин, бирор ичин.
Не қилса ҳам нодонлар олмоқ истар,
Моли қургир күйдириб юртнинг ичин.

Меҳнатсиз мол сўрамоқ хайрчилик,
Ақлли эрга ордир ундаи қилиқ.
Уни ўйлар бу кунда одам борми?
Фойда ўйламай қиласи ким тотулик.

Берсанг қолар нимаси унда орнинг,
Бермасанг ўзинг ҳам ит бирга бўлдинг.
На ўзинг ит, бўлмаса бор элинг ит,
Да'восиз бир балога миниб қолдинг.

Қизилни есам мени аёл суюр.
Одамликка юрмаса не жон куяр.
Аёллар ҳам кўп жонку, дўстим бўлса,
Деб эдим бир фойдаси менга тияр.

Эркакнинг гар эркакда бўлса қасди.
Хотин, она, қизи йўқ кимнинг боши,
Қон қаҳар қора киши қасдлик қиласа;
Шунда аёл бўлмасми ҳимоячи.

Аслда одам боши соғ бўларми?
Ўйида текши юилмас дов бўларми?
Эри аччиқ айтса, хотин юмшоқ айтиб,
Ўтирса бурунгидай ёв бўларми?

Шуни ўйлаб қизил мева мен танладим,
Берсангиз емоқ бўлиб бел бойладим,
Тусатдан мен бу сўзни айтганим йўқ,
Бошидаёқ ўйлаб тегин авайладим.

Бу сўзга солиб турди чол қулогин,
Бўлмаса топиб айтдинг ё чироғим,
Ақл, давлат, аввалдан сенда экан,
Умрингдай узун бўлсин, баҳтинг, жоним.

Бу чол бўлак чол эмас ҳизир эди,
Эпин топиб йигитга тӯғри келди.
Сўзига ва ақлига, қилиғига,
Рози бўлиб ҳақига дуо қилди.

Ҳизирдан Mac'уд дуо хўп олипти,
Сўнгидан ша'ми—жоҳон аталипти,
Ma'носи бу дун'ёниг куни деган
Етишиб биэга ибрат сўз қолипти.

1887.



МУНДАРИЖА.

Бет

Гўдак учун — <i>Миртемир</i> таржимаси	8
Ёшлиқда — <i>Миртемир</i> таржимаси	9
Илм — <i>Үйғун</i> таржимаси	10
Қоғозим — <i>Миртемир</i> таржимаси	13
Буркутчи — <i>Үйғун</i> таржимаси	15
Қаридик — <i>Үйғун</i> таржимаси	18
Үлан — <i>Миртемир</i> таржимаси	20
Бозор — <i>Үйғун</i> таржимаси	23
Еэ кетди — <i>Миртемир</i> таржимаси	24
Йигит сўзи — <i>Үйғун</i> таржимаси	26
Қиз сўзи — <i>Үйғун</i> таржимаси	28
Аввалдан — <i>Үйғун</i> таржимаси	30
Кўклам — <i>Миртемир</i> таржимаси	31
Сулувлар — <i>Миртемир</i> таржимаси	34
Талай сўз — <i>Үйғун</i> таржимаси	37
Севги — <i>Миртемир</i> таржимаси	38
Ёшлиқ ўтди — <i>Миртемир</i> таржимаси	39
Куз — <i>Миртемир</i> таржимаси	40
Мен ўланни — <i>Миртемир</i> таржимаси	41
Сол демайман — <i>Үйғун</i> таржимаси	43
Не умид — <i>Миртемир</i> таржимаси	44
Кун кетидан — <i>Миртемир</i> таржимаси	45
Бутун танга — <i>Миртемир</i> таржимаси	46
Дагаҳ овоз — <i>Миртемир</i> таржимаси	48

Мен кўрдим — Уйғун таржимаси	40
Оч қиши — Миртемир таржимаси	50
Елсиз тунда — Уйғун таржимаси	52
Ярқироқ — Уйғун таржимаси	53
Бир гўзал — Уйғун таржимаси	55
Ярқ этмас — Уйғун таржимаси	57
Молга дуст — Уйғун таржимаси	58
Юрагим — Уйғун таржимаси	59
Жумбоқ — Миртемир таржимаси	60
Искандар — Миртемир таржимаси	61
Мас'уд — Уйғун таржимаси	66

На Узбекском языке

А Б А Й

ИЗБРАННЫЕ СТИХИ

Госиздат УзССР — Ташкент—1945

Редактор Рамз.

Техредактор Я. Пинхасов

Териншга берилди 16/VII 95 й. Босишга руҳсат этилди 27/VII 1945 й. Р04463. Ко оз фармати 70×90/38. Печ. листи 2,25. Уч. листи 3,0 1 печ. листла 4000 ҳарф. УзССР Давлат Нашриёти. Шартнома № 217—1945 й. Индекс. ғ/а. Тиражи 1000. Ҷаҳоси 3 с.

Тошкент, 1-инчи босмахона. 1945 й. Заказ № 1353